ҲАРБИЙ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ф.Ш.Алимов

Маколада ҳарбий соҳа вакилларининг инглиз тилидаги ёзма нутқини ўстиришнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари ва уларга инглиз тили ўқитишни ташкил қилишга оид масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: *компетенция, ҳарбий соҳа вакиллари, ёзма нутқ, коммуникатив йўналтирганлик.*

В статье освещаются актуальность, цель и задачи развития письменной речи на английском языке у военнослужащих, рассмотрены вопросы организации обучения данному языку в воинских часиях.

Ключевые слова: *компетенция, военнослужаший, письменная речь, коммуникативная направленность.*

The actuality, objectives and tasks of improving English written speech, skills of military-men, organizational problems of teaching English at the army units are discussed in the article.

Key words: *competence, military personel, written speech, communicative oriented.*

Жаҳонда хорижий тилларни ўрганиш, турли соҳа мутахассисларининг хорижлик ҳамкасблари билан фикр алмашишлари, халқаро анжуманлар ва хорижий манбалардан ўз соҳаларига тегишли ахборот олиш каби жараёнларда нутқий компетенцияни шакллантиришга бўлган эҳтиёж янада кучайиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида ҳарбий соҳа вакилларининг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда инглиз тилидаги нутқий компетенцияни шакллантириш, замонавий ҳарбий технологияларни қўллашга доир инновацион фаолиятни модернизациялаш, хорижий тилда гапириш ва ёзиш сингари нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантириш, лингводидактик ва психологик омиллар таъсирини аниқлаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетенциявий ёндашув асосида ҳарбий соҳа вакилларида нутқий компетенцияни ривожлантириш ҳамда ҳарбий хизмат жараёни самарадорлигини оширишда нутқий кўникмаларни шакллантириш заруратини изоҳлайди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналишлари бўлган ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда. Маълумки, ҳарбий соҳа вакилларининг хорижий тил кўникмаларини шакллантириш, уларни хорижий ҳамкасблари билан соҳаларидан келиб чиқиб инглиз тилида фикр алмашишга ўргатиш бугунги кунга келиб долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги ҳарбий қисмларда ҳарбий соҳа вакилларининг хорижий ҳамкасблари билан инглиз тилида эркин фикр алмашиш кўникмаларини шакллантиришни босқичма-босқич амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш эса ҳарбий соҳа вакилларининг тил кўникмаларини ўстиришнинг ҳозирги холати ва келажакдаги ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ билиб олиш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда ҳарбий соҳа вакилларининг чет тилдаги ёзма ишлари таҳлил қилинганда, уларнинг ёзма нутқ кўникмалари талаб даражасидан паст ва жамиятнинг ҳозирги босқичида чет тилларни билишга қўйилган талабга жавоб бера олмаслиги кузатилмоқда. Бу эса, табиийки, уларнинг интернет тармоғидан, янги технологиялардан ва хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш имконини чеклаб қўяди.

Ҳарбий қисмлардаги чет тили дарслари кузатилганда, машғулотлар асосан лексик бирликларни ёд олиш, матнни ўқиб таржима қилиш ва матн билан боғлиқ грамматик материални машқ қилиш билан чегараланиб қолаётгани кузатилади. Ёзма нутқ устида ишлаш эса сўзларни, гапларни кўчириб ёзиш, ёзма таржима машқларини бажариш билан чегараланган. Ёзма фикр билдиришга қаратилган иш турлари эса эътибордан четда қолмоқда.

Ҳозирги пайтда жамиятда янги бир ижтимоий ҳодисани кузатиш мумкин. Хориж билан ҳамкорликдаги ҳарбий қисмларга ишга қабул қилишда касбий маҳоратдан ташқари ишга кираётган шахснинг чет тилларни қай даражада билиши, компьютер операцияларини яхши бажара олиши каби мезонларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бўлажак мутахассис тайёрлашда ҳарбий қисмларда ҳам чет тилларни ўқитишга жиддий эътибор бериш баҳо мезонларини қайта кўриб чиқиш ва ҳар бир ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбий соҳа вакилларининг профессиограммасини тузиш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий соҳага алоқадор таълим муассасаларида ҳам бўлажак ҳарбий соҳа вакилларининг касбий тайёргарлигида сифат ўзгаришлари қилиш учун ўқув жараёнида уларнинг келгусидаги касблари билан боғлиқ бўлган ёзма иш турларидан, яъни ёзма таржима машқлари бажариш, матнга изоҳ ёзиш кабилардан кўпроқ ва системали фойдаланиш талаб этилади. Шундагина кўрсатилган талабларга жавоб бера оладиган етук мутахассисларни тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатимиз учун илғор хорижий технологиялардан хабардор ҳарбий соҳа вакиллари билан бир қаторда хизмат қисмида хорижий тилларни яхши биладиган малакали зобит тайёрлаш ҳам ушбу соҳадаги педагог ходимларнинг мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Ҳарбий соҳа вакиллари ўз соҳалари билан боғлиқ вазиятларда қўлланаётган хорижий сўзларнинг кўп маънолари ичидан ушбу нутқий вазиятга мос келадиган эквивалентни тўғри танлай билиш сезгисига эга бўлиши зарур. Айниқса, турли халқаро ҳарбий мусобақаларда ҳарбий операциялар билан шуғулланувчи мутахассислар нафақат чет тилидаги махсус адабиётларни таржима қила олиш, балки шу чет тилида хорижий хамкасблари билан эркин мулоқотни амалга ошириш малакасига ҳам эга бўлишлари талаб этилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда хорижга малака ошириш учун юбориладиган мутахассислардан биринчи навбатда чет тилини билиш талаб этилади. Шундагина у хорижга бир турист сифатида эмас, балки маълум бир соҳага оид билим, тажриба ва малака ошириш мақсадида борган ва ушбу мақсад учун ажратилган давлат маблағидан ҳам тўғри фойдаланган деб ҳисоблаш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, чет элларга бориб келган деярли барча мутахассислар мактабда чет тилларни ўрганишга жиддий эътибор бермаганларидан афсусланганини айтишади. Уларнинг фикрича, чет тилида яхши билимга эга бўлиш хорижий технологияларни янада чуқурроқ эгаллашга ёрдам берган бўлар эди.

Замонавий мутахассис учун битта чет тилини билиш янги ахборот олиш имконини бир неча бор оширган бўлар эди, чунки жадал суръатлар билан кечаётган ҳозирги интеграцион жараёнда кечагина янгилик бўлиб туюлган технология кўп ўтмасдан эскириб қоляпти. Биз учун янгилик ҳисобланган технологик жараён ғарбда эскириб қолган ҳисобланади. Бундан ташқари гапирувчи билан тингловчи ўртасидаги айрим келишмовчиликлар ҳам янги технологиялардан ўз вақтида хабардор бўлишга салбий таъсир кўрсатади. Демак, ҳозирги пайтда чет тили, айниқса, инглиз тили фан ва техникадаги ютуқлар, моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан биргаликда ўзига хос махсус соҳа вакиллари учун ҳам ғоят муҳим.

Булардан кўриниб турибдики ҳарбий соҳа вакилларида чет тилни ўқитиш жараёнига нисбатан янгича ёндашув зарур. Чет тилдаги машғулотларнинг ташкил қилиниши ҳарбий соҳа вакилларининг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш мақсадига йўналтирилмоғи лозим. Ҳарбий қисмларда ва ҳарбий соҳа вакилларини тайёрловчи таълим муассасаларида чет тил ўқитишда ёзма нутққа ўргатишнинг тадқиқот обеъкти қилиб олиниши талабаларнинг келажакдаги касбларида хорижий тилда ёзма мулоқот катта ўрин тутиши, интернет тармоғидан

фойдаланишда асосий восита экани ҳамда ижтимоий ҳаётнинг маданий, бошқарув, расмий мулоқот каби турли соҳаларида салмоқли ҳиссаси борлиги билан изоҳланади. Аммо ҳарбий қисмлардаги чет тили машғулотларида ёзма коммуникатив мулоқотга етарли эътибор берилмаганидан ҳарбий соҳа вакилларида ёзма нутқ кўникмалари талаб даражасида ривожланмай қолмоқда. Таълимнинг узлуксизлиги концепциясига кўра ҳам чет тилига ўргатишда машғулотларнинг коммуникатив йўналтирилганлик асосида ташкил қилиниши ҳарбий соҳа вакилларининг ўрганилаётган чет тилини расмий ва расмий бўлмаган нутқий вазиятларда, кундалик ижтимоий ҳаётда, касбга оид мулоқотларда, шунингдек, ўқув вазиятларида эркин қўллашларига ёрдам беради. Коммуникатив мулоқотга йўналтирилган машғулотларга педагогик технологияларнинг киритилиши ва турли ёрдамчи ўқув-техник воситалардан фойдаланиш эса ҳарбий соҳа вакилларида чет тил ўрганишга нисбатан мотивацияни кучайтирибгина қолмасдан, балки ўқув жараёнида келиб чиқадиган айрим психологик тўсиқларни ҳам олиб ташлашга ёрдам беради. Бундай психологик тўсиқларга уялиш, иккиланиш, хато қилиб қўйишдан чўчиш, табиатан бошқалар билан киришиб кета олмаслик каби шахсий индивидуал хислатларни киритиш мумкин.

Коммуникатив йўналтирилганликнинг яна бир устувор томонларидан бири шуки, у шахсга йўналтирилган бўлиб, ҳарбий зобит шахсининг фаолияти билан, яъни унинг тажрибаси, дуёнқараши, қизиқишлари, ҳиссиётларини ҳам дарс жараёнида ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Ҳарбий қисмларда ва ҳарбий таълим муассасаларда чет тил ўқитишни ташкил қилишда қуйидагиларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

• ўрганилаётган чет тил материаллари асосида гапириш (монологик ва диалогик) кўникмаларини ҳосил қилиш;

• ҳарбий соҳа вакилларида мулоқот пайтида эркин фикр билдиришга ва баҳс-мунозара олиб бориш этикасига хос малакалар ҳосил қилиш;

• суҳбат жараёнида ўз-ўзини назорат қила билишга ўргатиш;

• ёзма мулоқотнинг расмий ва норасмий ҳолатларига хос вазиятлардан фойдаланган ҳолда ёзма нутқ малакаларини шакллантириш;

• хорижлик ҳамкасблар билан олиб бориладиган ёзишмаларда ўз мамлакати урф-одатлари, маданияти, кишиларнинг ҳаёт тарзи хусусида ёзма фикр билдира олишга ўргатиш;

• турли хорижий манбалардан ўз касбига оид янгиликлар, янги технологиялар хусусида ёзма ахборот тайёрлай билиш.

Таъкидлаш керакки, ҳарбий соҳа вакилларини ёзув ва ёзма нутққа ўргатиш тил ўқитишдан кўзланган мақсад бўлибгина қолмасдан, нутқ фаолиятининг бошқа турларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Масалан, ёзма нутқ мантиқийлик, кенг қамровлилик, фикрларнинг бир-бирига боғлиқлик хусусиятларига кўра монологик нутқни ўстиришга катта ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб ҳарбий соҳа вакилларини чет тилига ўқитишда ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машқлар гуруҳини тузиш лозимлигини айтиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Булар ўз навбатида қуйидагиларни бажаришни тақозо этади:

• ёзув ва ёзма нутққа оид назарий фикрларни ўрганиш, таҳлил қилиш;

• ёзма нутқни ўргатишга технологик ёндашув асосида ёзма нутққа ўргатиш технологиясини ишлаб чиқиш;

• инглиз тили ёзувига ўргатувчи машқлар тизимини тузиш;

• инглиз тилидаги ёзма нутққа ўргатувчи машқлар тизимини тузиш;

• ушбу ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёзма нутққа ўргатиш усулларини такомиллаштириш;

• ҳарбий соҳа вакиллари ўртасидаги муносабатда ўзаро ҳурмат, ишонч, самимийликка асосланган руҳий вазиятни ташкил қилиш орқали ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш ва ўстириш;

• ўрганилаётган чет тил материали ёрдамида ҳарбий соҳа вакилларида ўзларининг келгусидаги касбларига нисбатан қизиқишни ўстириш ва касбий билимларини чуқурлаштириш.

Адабиётлар:

1. Болдирев Н.Н. Лингвистические основы коммуникативных методов обучению иностранному языку. // ИЯШ.- 1987.- №3.- С.12-15.

2. Иванова Г. Совершенствование обучения иностранному языку курсантов военных вузов на основе оптимизации лексической компоненты: Авт. дисс. канд. пед. наук. – М., 2011.

3. Лисов П.Б. Технология лингво-профессиональной подготовки военных специалистов в процессе самостоятельной работы на основе автоматизированной обучающей системы. Дис... канд.пед.н.– Воронеж, 2009.

4. Мильруд Р.П. Методика обучения иноязычной письменной речи.// ИЯШ.- 1997.- С. 5-11

Андижон давлат университети,
2018 йил 7 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Ҳошимова)